

Андижон Давлат университети

Умумий тарих кафедраси

«Эпиграфика» фанидан

Маъруза матни.

Тузувчи:

А.Мирзаев

2008 йил.

Тема 1: Эпиграфика фани предмети.

Режа:

1. Эпиграфика фани мақсади ва вазифалари.
2. Эпиграфика ёдгорликлар ва уларни турлари.

Эпиграфика тарих фанининг бир тармоғидир. Бу фан предмети тош плиталар, қоялар, мрамор тахтачалар юзасига ёзилган қадимги хатларни ўрганади. Эпиграфика тарих фанини бир қисми сифатида бўлиб, у ҳам манбаларни ўрганади. Унинг манбаи сифатида қаттиқ юзага ёзилган турли-туман хатлари ҳисобланади.

Эпиграфика ёдгорликлари турли хилдаги юзаларга ёзилган қадимги хатлар бўлиб, уларда турлича мазмунга эга бўлган хабарлар ёзилган бўлади. Эпиграфика фанининг мақсади талабаларга ўрганилаётган предметни яхши баён қилишдир. Эпиграфика курс вазифаси талабаларга эпиграфик ёдгорликларнинг турли-туманлигини, уларда ҳар-хил ахборотлар борлигини тушунтириб қўйишдир.

Эпиграфика бошқа тарихшунослик фанлари каби матн ўрганиши билан полеография фанига яқинлашиб боради. Аммо эпиграфика қаттиқ юзаларга ёзилган ёдгорлик ёзувлари, тарихий саналар, биографик маълумотларни ўрганиши билан ажралиб туради.

Эпиграфика ёдгорликлар ва уларни турлари анча кўп бўлиб, улар ташқи кўриниши, шакли, турли хилдаги қаттиқ юзага ёзилганлиги билан ажралиб туради. Улар асосан мрамор, тош, металл, сопол ва ёғоч тахтачаларга, қиммат баҳо тошлар; қаҳраб, нефрит, лазурит, бронза ва бошқа мавжуд бромлар, тақинчоқлар юзасига ёзилган ҳолда жумлалар ёки сонлардан иборат бўлади. Булардан ташқари маъморий-эпиграфик ёдгорликлар ҳам мавжуд: Улар даҳмалар, қабр тошлар, лавҳалар ва қайроқ тошлардан иборат қаттиқ юзаларга ёзилган хатлардир.

Эпиграфикада айниқса қадимий китобларни безашда / колодон/, сарлавҳалар, кириш сўзларида бизга керак бўлган маълумотлар бўлади. Яна бир турдаги эпиграфик ёдгорликлар археологик ва маъморий ёдгорликлардаги ёзуви бор бромлар, маъморий парчалар ҳам учрайди.

Эпиграфик ёдгорликлардаги ёзувлар тури ҳам, жуда хилма-хил бўлади. Айиримлари бўртиб туради. Баъзилари эса ўйиб ёзилган бўлади. Айниқса олмос, нефрит, **лочуворд**, қаҳраб юзасидаги ёзувларни эслаш ўзи кифоя. Даҳмалардан ёзувлар алоҳида эпиграфик ёдгорликлар ҳисобланади.

Тема 2 : Қаттиқ юзага ёзилган матнлар. Адабиётдаги эпиграфик ёдгорликлар.

Режа.

1. Ёдгорлик буюмларидаги ёзув.
2. Матнлар мазмуни; тарихий ёки бадий.
3. Ер-сув васиқалар ва савдо шартномалари эпиграфик хужжат.
4. Бадий адабиётдаги меъморий ёдгорликлар, мозорлар, масжидлар таърифи.

Ёдгорлик буюмларидаги ёзувлар ўз тузилишига кўра бўртма, ўйма, тикилган ва бўяб ёзилган бўладилар. Улар буюртмачи талабига кўра қимматбаҳо тош, олтин, кумуш, оддий мисдан ясалган узук, билак узук, бўйинбоғ, белбоғ, патнис юзасига солинган гуллар билан бирга ёзилган матнлар бўлади.

Эпиграфик ёдгорликлар таркибига совға буюмлари, қабристонлардаги ёдгорлик тошлари юзасидаги ёзувлар ҳам киради. Айиникса қабртош битиклари ичида дахма ва сағана ёзувлари алоҳида ажралиб туради. Улардаги ёзув-матн бўлиб ёзилиши билан ажралиб туради.

Матнлар мазмуни турли-туманлиги билан ўзгалардан ажралиб туради. Меъморий ёдгорликлардаги ёзувлар тарихийлиги билан машхур бўлади. Адабий-тарихий асарларда эпиграфик матн бадийлиги билан ажралиб туради. Улар тош, ёғоч, мато, сопол, мис, кумуш, олтин буюмлардаги ёзувлар доимо бирор хабарни етказиб келади.

Ўрта Осиёда жуда қадим замонлардан бошлаб ер эгалигида мулк эгаси ва чоракор, ерсиз мрдикор тушунчаси кишилар онгида қатъий ўрнашиб қолган. Катта ер эгалари ўз ерларининг чоракор- тўртдан бирига ишлайдиган меҳнаткашларга ижарага бериганлар. Бу ижарага бериш ёки уни сотиш қозихона ҳузурида бўлиб, махсус хужжат- васиқа ёки савдо аҳдномаси билан тасдиқланган. Бу хужжатлар бизнинг замонамизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Васиқа-бу ерни сотилган ёки вақтинчалик ижарага берилганлиги хусусида ёзилган хужжатдир. Унда энг камида 2 та ёки 4 та қози муҳри бўлади.

Савдо аҳдномаси- бу хужжат сотиладиган ерни Шимоли, Жануби, Шарқи-Ғарби жуда синчковлик билан таърифланади. Сотувчи ва олувчи қози олдида шариятга биноан келишиб оладилар. Бундай аҳдномалар қайта кўрилмайди ва даволар қабул қилинмайди. Бундай хужжатлар адабиётдаги эпиграфик ёдгорлик ҳисобланади.

Бадий адабиётда меъморий ёдгорликларнинг таърифи-тавсифи берилган кичик буклет /китобчалар/ лар ҳам энг қимматли эпиграфик ёдгорликлардан ҳисобланади. Чунки уларда шу меъморий ёдгорликлардаги барча этиборга лойик ёзувлари, нақшлари ва наққшолик, хаттотлик намуналарини таърифлаб берилади.

Бундай нашрлар Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Туркманистонда мавжуд бўлган меморий ёдгорликларни атрофига мукаммал баённомасини бизлар ўқиймиз.

Тема 3: Эпиграфиканинг фан сифатида юзага келиши ва унинг тадқиқотлар усуллари.

Режа.

1. Эпиграфика ёдгорликлари алоҳида эътиборда бўлиши.
2. Эпиграфика ёдгорликлар: тангалар, муҳр ва улардан олинган нусхалар.
3. Эпиграфик ёдгорликларни гуруҳларга бўлиниши.
4. Эпиграфик ёдгорликларларни тўплаш ва уларни шарҳлаш.

Эпиграфика фани билан машғул бўлувчи олим қадимги замондаги тангалар ва муҳрлар нусхасини ўқиш ва атрофлича ўрганиб келди. Бу фан амалда бўладиган кундалик ишларимизда дуч келадиган айирим махсус фанлар ёрдамида ўрганиб боради. Эпиграфика бошқа манбаларни ўрганувчи фанлар; Нумизматика, Сфрагистикалар билан биргаликда фаолият олиб боради.

Эпиграфика ёдгорликлар фанга янги исмлар, воқеалар билан тарихшунослик фанини тўлдириб боради. У яна манбашунослик, тарихшунослик фанлари билан ҳамкорликда фаолият олиб боради.

Эпиграфика ёдгорликлар ичида энг кўп учрайдиган нумизматика фани предмети тангалар; олтин, кумуш ва мисдан ясалган бу тангалар тарихий воқеалар ҳақида сўзлаб беради. Эпиграфика ёдгорликлар ичида энг муҳими-бу қадимги давлатлар ҳукумронлари қўллаган муҳрлар ва улардан олинган нусхаларни ўрганиш кўпинча янги ахборотларни бизга етказиб келган. Бу ёдгорликларнинг ҳаммаси замон синовидан ўтиб бизгача етибкелишини ўзи бир мўжиза бўлди. Тангалар ва муҳрлар реал-бўлиб ўтган тарихий воқеаларни тасдиқлаб берадилар.

Эпиграфика ёдгорликлар таркибига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Тарихий-географик ёдгорликлар.
2. Этнографик ёдгорликлар.
3. Меморий ёдгорликлар.

Эпиграф мутахассис ўзи яшаб турган жойдаги ёдгорликларни ўрганиб чиқиши керак бўлади. У ҳар қандай ёзуви бор ёдгорликдан нусха олиши, уни ўрганиши ва китобига ёзиб бориши керак бўлади. Биринчи турдаги ёдгорликларни алоҳида ажратиб олиб уни ўқиши керак бўлади. Бундай вазиятда олим-тадқиқотчи матнни ўқий олмаса уни мутахассисга ўқиб таржима қилиб бериш учун беради.

Этнографик / ёзувлари бор буюмлар/ бромлар ҳам алоҳида тарихий маълумотлар беради. Улар ёзуви бор идиш-товоқлар, белбоғ-чорсулар, фалак ва чойшаблар, қийиқлар, меҳроб панолари, дарпардалардан иборат бўлиши

мумкин . Меъморий ёдгорликлар эса бино пештоғига, шифтларга токиларга, товодан дерезаларига ёзилган лавхлар. Қабртошлар, қайроқлар, сандиксимон қабртошлар, пештоқдаги турли хилдаги хат услуби билан битилган араб хатлари, деворлардаги, меҳробдаги исломий нақшлардаги гуллик куфий хатлар ҳам эпиграфик ёдгорликлардир.

Эпиграфик ёдгорликларларни тўплаш ва уларни шарҳлаш ишларини махсус таълим олган тарихшунос мутахассислар бажарадилар. Бундай ёдгорликларни энг аввало турларга ажратилади. Кейин уларни илмий-шарҳланади ва унинг илмий қиймати белгиланади. Бу ёдгорликлар фанининг турли соҳаларига оид ёзувлар, технологик усуллари ҳам ноёб ҳисобланиб эпиграфика ёдгорлигини йиғиб тўплаб борилади.

Ҳар бир соҳа эпиграфик ёдгорликларлари суратга олиниб, таржима қилинади ва нашр қилишга тайёрланади.

Тема 4: Эпиграфикани тарихшунослик фанлари ва ёзма манбалар билан муносабати.

Режа.

1. Эпиграфика ёдгорликларлари; таргалар, муҳрлар ва уларни акси.
2. Нумизматика, сфрагистика, тарихий манбашуносликнинг эпиграфика асослари.
3. Қаттиқ юзага ёзилган матнлари бўлган предметлар; Даҳма қайроқ, қабртош ёзувлари.
4. Ёзма манбалар; Китоблар, шажаралар, муҳрлар ёзувлари эпиграфик ёдгорлик.

Эпиграфик ёдгорликларлар ичида асосий ҳисобланган тангалар, муҳрлар ва улардан олинган акслар катта аҳамият касб этади. Улар ўзлари билан бирга замон нафаси-зарб қилинган жойи ва давлат ҳомийларининг номларини бизгача олиб келган ноёб тарихий манбалардир. Муҳрлар бўлса бир неча турли бўлади; А). Давлат аппаратида қарашли муҳрлар.

Б). Қозихона, натариус вазифасини ўтовчи шариат маҳкамаларида ишлайдиган шахсларга тегишли; шайхулисом, қози қолон, муфтийлар муҳри бўлади.

В). Якка хусусий амалдорлар муҳри бўлиб, улар кишининг шахсини тасдиқлайди холос.

Муҳрнинг ўйилган- яъни ясалган вақти, унга эгалик қилувчи номи ёзилган шахс кимлиги ва сана ёзилган бўлади. Бундай муҳрлар босилган ҳужжатлар ўз юридик аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди. Замонлар ўтиши билан ҳам улар ёдгорлик бўлиб қолаверади.

Тарихшунослик билан шуғулланувчи қатор матнлар билан ишловчи фанлар: нумизматика, сфрагистика бевосита эпиграфик матнлар устида ишлайди. Шу боис бу фанларни қаторига кириб, эпиграфика бу фанларнинг ютуқларидан унумли фойдаланади. Уларнинг тадқиқот объекти эпиграфик ёдгорликларлар ҳисобланади.

А). Тангалар замонни ва шахсларни яшаган пайитини аниқ белгилаб берса,
Б). Мухрлар- ўша тилга олинган шахсларни жамиятда тутган ўрни ва
фаолиятини белгилашда асосий воита ҳисобланади.

Шунинг учун эпиграфика фани нумузматика, сфрагнетика фанлари билан
муштаҳкам боғланган холида иш олиб боради.

Эпиграфик ёдгорликларлар ичида энг кўп тарқалган ёзув- бу қабртош
ёзувидир. Улар албатта қаттиқ юзага ўйиб ёки кимёвий йўл билан сингдириб
ёзилган бўлади. Улар ўзида шу қабр соҳиби ҳақида тўла маълумотлар беради.
Бу эса алоҳида ҳужжат, китоб ёки шажарага қараганда фарқли ўлароқ қисқа ва
лўнда бўлади. Улар ўз таркиби жиҳатидар жуда хилма-хил бўлади. Бу ёзувлар
мармартошга, нефритга, қайроқ қумтошига, метал бромлар юзасига, сопол
тахтачаларга ўйиб ёки бўрттириб ёзилади. Бу ёзувларда ҳат усули жуда хилма-
хил бўлади. Уларни моҳир ҳаттотлар ёки ҳат билмайдиган тоштарош устани
ўзи ёзган бўлади. Бундай ёзувларда ҳат жуда сифатсиз бўлиб, бир имло
қоидаларига риоя қилмай ёзилган бўлади. Аксариятда эса қабртош ёзувларини
моҳир ҳаттотлар ёзиб, маҳоратли тоштарош усталар қабртош юзасига
кўчирадилар. Улар санъат асари даражасига кўтарилган бўлади.

Ёзма манбалар жумласига муҳрдаги ёзувлар, алоҳида васиқалар, савдо-
сотик аҳдномалари, тарихий воқеаларга бағишланган рисола ва романлар ҳам
киради. Айниқса қабртош ёзувидан фарқ қилувчи, қозихоналарда котиблар
томонидан ёзилган васиқалар, олди-сотди ҳужжатлар, ер-сув ҳужжатлари
тарихий эпиграфик манба ҳисобланиб, улар ўз тарихий аҳамиятини замонлар
ўтиши билан ҳам йўқотмайди. Шажаралар, васиқалар, васиятномалар ўз турига
кўра эпиграфик ёдгорликларлар ҳисобланиб, уларни ёзма манбалар деб қабул
қилинган. Уларнинг турлари жуда кўп ва хилма-хилдирлар. Ўзида бирор
ахборот олиб келувчи ёзув тарихий ёдгорлик бўлади.

Тема 5: Эпиграфик манбаларнинг турлари.

Режа.

1. Эпиграфик манбаларнинг турлари; Даҳма, қабртош ва бошқалар.
2. Алоҳида эпиграфик ёдгорликлар.

Эпиграфика фани ўз ўрганиш объекти сифатида даҳмалар, сандиксимон
мармар қабртоши юзасидаги араб ёзувлари бўлган ёдгорликлар. Тик
ўрнатилган мармар, нефрит ва қумтош юзасига ёзилган ҳатлар эпиграфик
ёдгорликлари. Бундай ёзувлар ниҳоятда маҳорат билан кўфий ҳати билан
ёзилган ҳатлардир. Улар ўзларида кўпгина ахборотларни асосан мармар
юзасига ёзилган ёзувларни ташкил қилади. Даҳма ёзувлари эса кўпинча одатий
Қурон сураларидан кўчирмалар бўлади. Улар жуда чиройлик кўфий фарқли
ёзувда бўлади. Бундай ёзувларни ўрганувчи мутахассис араб ёзувининг барча
турларини яхши билиши зарур бўлади. Эпиграфик матнларнинг турли-

туманлиги унинг тадқиқот объекти шу ёзувлардаги ахборот қимматлик ҳисобланади. Уларни саралаб, танлаб олиниб ўрганилади.

Алоҳида эпиграфик ёдгорликлар турига совға буюмлардаги ёзувлар, патнис, ликопча, лаган, чинни, пиёлалардаги ёзувлари.

Турли хилдаги матоларга тикиб ёзилган, ўриб ёзилган, бўёқлар билан ёзилган яхши истаклар, рушинолик, сероблик ва саломатлик сўзлари ёзилган энг қадимги товоқлардаги кўфий ёзувлар энг ноёб эпиграфик ёдгорликлар ҳисобланади. Бундай ёзувлар Тошкент, Самарқанд, Косон, Узганд шаҳарларидаги олиб борилган қидирувлар натижасида топилган. Улардаги ёзувларни ўқий олиш мосламасига эга бўлган мутахасисларгина бу кўфий ёзувлар билан иш олиб бораоладилар ҳолс. Кўпчилик эса уларни ўқий олмайдилар.

Тема 6: Минтақалардаги эпиграфик ёзувлар.

Режа.

1. Қабристонлардаги эпиграфик ёзувлар мазмуни.
2. Қайроқ юзасига ёзилган ҳатлар турлари.

Қабирстонлардаги хотиравий ёзувлар турларига кўра эпиграфик ёдгорлик ҳисобланади. Улар бизгача етиб келган ахборотлар шу қабр соҳиби ҳақида бўлиб, унинг юқори қисмида эса Калимаи шаҳодат, баъзи ҳолларда эса Калимаи тавжид ёзилган бўлади. Қбартошидаги ёзувлар кейинги даврдаги ҳолларда араб имлоси ўрнига кирил алифбосида ёзиш одат бўлди. Баъзи оилалар эса араб ҳарфлари билан ҳамда кирил алифбосида ҳам ёзиб қўйиш расм бўлди.

Қайроқ юзасига ёзилган ҳатлар турлари жуда хилма-хилдир. Араб имлосида ёзилган қайроқ юзасидаги ҳатлар кўфий хатида бўлиб, уларни ўрганиш учун тадқиқотчи мутахасис араб хатининг ҳамма туридан ҳабардор бўлиши керак. Агар мутахасис кўфий хатини ўқий олса жуда яхши ва осон иш олиб боради.

Қайроқ юзасидаги ёзувни кўпинча моҳир хаттот мутахасислар томонидан ёзилади. Уларни ўқиш ва кўчириб ёзиш асосан мутахасиснинг ишидир.

Тема 7: Туркий эпиграфика.

Режа.

1. Самарқанд сополидаги IX-XII аср ёзувлари.
2. IX-XII асрдаги Чоч сопол буюмларидаги ёзувлари.

Ўрта Осиёда Қорахонийлар даврига келиб йирик зодагонлар оиласида қимматбаҳо сирланган сопол буюмларига яхши истаклар ёзиш одат тусига кирди. Подшолар, амирлар ва уламолар оиласида чиройли сирланган сопол буюмлардан фойдаланиш бошланди. Бундай буюмларга жуда маҳоратли хаттотлар томонидан ёзилиб унинг кўриниши алиф, лом ҳарфларининг юқориси гуллаб турган шаклда берилган. Бундай идишлардаги ёзувлар;

- Эгаси доимо саломат бўлсин!
- Бахту-саодатлик бўлсин!
- Кўпайсин, сероб бўлсин!
- Ушбу уйда бахт бўлсин!
- Хосил мўл бўлсин! Каби иситаклар бор.

Самарқанд сирланган идишлари VIII- асрлардаёқ безак сифатида гуллик куфий хатидан фойдаланганлар.

Аммо бу идиш-товоқлар жуда қиммат бўлиб, уни оддий меҳнаткаш халқ сотиб ололмас эди.

Самарқанда VIII-X асрлардаёқ сирли идишларни кўплаб буюртма учун ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди.

IX-XII асрларга келиб Чоч (Шош) вилоятида сирланган сопол буюмларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Бундай буюмлар ташки кўринишидан жуда чиройлик ва юпка бўлиб, унинг юзасида инсонга энг яхши иситакларини изҳор қилинган ликолар, товоқлар, кўзачалар ва бошқа лаган, тоғора каби катта сирланган сополни идишлар ҳам бошланган эди. Қадимги Чочлик кулолларнинг маҳорати йилдан-йилга ортиб борди. Айниқса бу сирланган сопол буюмлар юзасига ёзилган чиройлик гуллик куфий хат билан араб тилда истаклар битилган бўларди. Аммо бу буюмлар алоҳида кишилар буюртмаси билан бажарилган, чунки бу буюмлар жуда қиммат бўлган.

Асосий адабиётлар.

- 1.Большаков А.М. Вспомогательные исторические дисциплины. Л., 1924.
- 2.Лоукотка Ч.Развитие письма. М., 1950.
- 3.Халидов А.Б. Арабские рукописи и арабская рукописная традиция М., Наука, 1985.
- 4.Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI веке. Т., Фан, 1976.
- 5.Луний Б.В. История Узбекистана в источниках. Т., Фан, 1984.
- 6.Адам Мец. Мусумальнский Ренессанс. М.- ГРВД, Наука, 1966.
- 7.Ахмедов Б.А. Историко-географические литература Средней Азии XVI-XVIII вв. Письменные памятники. Т., Фан, 1985.
- 8.Блок М. Антология истории и ремесло историка. М., Наука, 1986. .

Кышимча адабиётлар.

- 1.Арабская эпиграфика в ССР за сорок лет. Журнал «Эпиграфика Востока». 1963. Вып.15.
- 2.Бабаджанов Б.М. Эпиграфические памятники мусуманских мазаров как источник по истории суфизма. Сб. Из истории суфизма. Т., 1991.
- 3.Маъсудали Хакимжон. Хатти муаллимий. Араб ёзувининг вужудга келиши ва турлари. Т., Меҳнат, 1991.

- 4.Бабаджанов Б., Муминов А., Паульс Л. Шайбонийлар шажараси эпиграфияфикаси. Германия, 1997.
- 5.Большаков О.Г. Самарканд сирли сополидаги ёзувлар. Журнал «Эпиграфика Востока». 1963. Вып.12.
- 6.Тошхужаев . Глазурованная керамика Чача в IX-XII вв. Т., 1968.